

## Ўзбекистон Мустақиллигининг олтинчи йиллиги олғудан

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

#### ХУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ ТАРҒИБОТИ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ХУҚУҚИЙ АДАБИЁТЛАРНИ АҲОПИГА ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ Йўлга қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини яхшилаш ҳақида» 1997 йил 25 июлдаги ПФ-1791 сонли Фармонида мувофиқ аҳолининг хуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларининг хуқуқий фаоллигини ошириш, ислохотларни янги мазмун билан бойитиш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Тошкент давлат юридик институти ҳузурида хуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлиmlари ташкил этилсин. Марказнинг тузилмаси ҳамда Устави тасдиқлансин.
2. Хуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагиларга белгилансин:
  - мамлакатда хуқуқий таълим фаолиятини кучайтириш ва усубий жиҳатдан таъминлаш, аҳоли ўртасида хуқуқий билиmlарни тарғиб қилиш;
  - аҳоли турли ижтимоий гуруҳларнинг хуқуқий маданиятини ошириш; хуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини татиб-қилиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;
  - аҳолининг хуқуқий билиmini ошириш мақсадида янги қўнилик ва меъёрий хуқуқий ҳужжатларни даврий умумлаштириш, уларни аҳолига етказиш учун Марказнинг минтақавий бўлиmlарига юбориш;
  - хуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш, бу соҳани такомиллаштириш юзасидан тақлифларни ишлаб чиқиш;
  - жойларда хуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш;
  - оммабоп хуқуқий адабиётларни, ўқув-усулбий қўлланмаларни ва дарсликларни тайёрлашни мувофиқлаштириш;
  - аҳолининг хуқуқий маданияти ва савиясини оширишга қаратилган ташкилий-тарғибот ишларда жамоат бирлашмалари, хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилиш.
3. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, суд, ички ишлар ва адлия идоралари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Фанлар академияси хуқуқий маърифат тарғиботи Маркази вазифаларининг амалга оширилишида унга ақиндан амалий ёрдам кўрсатилар.
4. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги Маркази, қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа жамоат бирлашмаларига аҳолининг хуқуқий билиmlарини ошириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган тарғибот ишларини амалга ошириш тавсия этилсин.
5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари хуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг минтақавий бўлиmlарини зарур асбоб-ускуналар, офис

мебели, ташкилий техника воситалари билан жиҳозлашда, хуқуқий тарғибот ишини юритишда ақиндан ёрдам кўрсатиш топширилсин.

Туман /шаҳар/ ҳокимликлари қосида жамоатчилик асосида хуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг худудий бўлиmlарини ташкил қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига топширилсин.

Худудий-маърифат тарғиботи Марказининг туман /шаҳар/лардаги минтақавий бўлиmlари ишини ташкил қилиш, хуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш туман /шаҳар/ ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

6. Хуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ва унинг минтақавий бўлиmlари ходимларига давлат ҳокимияти органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашининг амалдаги шартларига мувофиқ тариф ставкалари белгилансин.
7. Хуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ҳузурида илмий-оммабоп хуқуқий адабиётларни чиқариш бўйича идоралараро республика мувофиқлаштирувчи-усулбий Кенгаш тузилсин.
8. Хуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Республика Президентининг Фармонлари ва фармойишлари, Олий Махлис сессиялари ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламларини олувчи ташкилотлар рўйхати киритилсин.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси хуқуқий маърифат тарғиботи Марказини махфий бўлмаган босма асарлар ва китоб махсусотининг (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, хуқуқий, тарихий) назорат нусхалари юборилувчи ташкилотлар рўйхати киритсин.
10. Оммабоп хуқуқий адабиётларни нашр этишни кўпайтириш ва уларни республика аҳолисига арзон нархларда сотишни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси мавжуд «Адолат» нашриёти моддий-техникавий негизини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдамлашсин.
11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат матбуот қўмитаси, «Китоб савдоси» Давлат хўссадорлик уюшмаси, «Матбуот тарқатиш уюшмаси» акционерлик жамияти билан биргаликда хуқуқий илмий-оммабоп адабиётлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини аҳолига 50 фоиз арзонлаштирилган нархларда сотиш тартибларини ишлаб чиқиш тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.
12. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Адлия вазирлиги бюртимасига мувофиқ хуқуқий маърифат тарғиботи Марказини жиҳозлаш, транспорт воситалари олиш ва фаолиятини ташкил этиш учун зарур маблағлар ажратсин.
13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Ғулмом зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси  
И.КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри, 1997 йил 22 июль.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

#### «ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий маънавиятимиз, маданий меросимиз ва умминсоний қадриятлари заминда юксак ватанпарварлик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужасамлаштирган, Ватанимиз обрусини, шон-шухратини ва шарафини юксалтириш йўлида хизмат қилаётган, Ўзбекистонда келажак буюк давлат барпо этишда ҳамда мамлакатимиз ички ва ташқи ҳаётида фаол иштирок этаётган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони таъсис этилсин.
2. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тўғрисидаги Нишом тасдиқлансин.
3. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тавсифи тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ.  
Тошкент шаҳри, 1997 йил 22 июль.




### ТАЪЛИМ

#### ЎҚУВ МАРКАЗИГА СОВҒА

Жаҳон иқтисодиёти ва «Бизнес олами» ўқув дипломатияси университетининг «Бизнес олами» ўқув марказига Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Барбара Хей хоним таъширф буюрди.

У талабалар ва ўқитувчиларни қутлаб ўқув марказига телевизор ва видеомагнитофонни совға қилиб топширди. Бу билан у бўлғуси мутахассисларнинг инглиз тилини эгаллаш соҳасида таълими ва билиmlарини такомиллаштиришдек умуий ишга ўз улушини қўшди. Ўз навбатида талабалар инглиз тилида ўзлари ҳақида, марказдаги машғулотлари ҳақида, нималарга қизиқишлари тўғрисида сўзлаб бердилар.

Собир БОБОЕВ.



«Сифат» ишлаб чиқариш-қурилиш хўссадорлик бирлашмасига қарашли «Баланд иморатлар қуриш» бошқармаси бунёдкорлари орасида Любовь Бобровник ва Надежда Кривовалар ўзларининг ишчанликлари билан ажралиб турадилар. Бу меҳнатсевар аёллар қарийб 30 йилдири пойтахтимиздаги йирик қурилиш участкаларида ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришмоқда.

СУРАТДА: Любовь Бобровник ва Надежда Кривовалар ишга шундай кайфият билан киришадилар.

Рустам Шарипов олган сурат.

Тез кунларда республикамиз олий ўқув юртиларига қабул бўйича тест синовлари бошлаб юборилди. Модомики тест синовларининг асосий мақсади олий ўқув юртиларига фақат иқтидорли ёшларни танлаб олишда адолат таъминлашга риоя қилиш экан, бу борада ишлар қандай ташкил этилгани хусусида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Мухсин Мухитдинов билан суҳбатлашдик.

— Мана, 6 йилдири, тест синовларини ўтказиш технологиясини тобора ривожлантириш билан бирга бу ҳараёнда бевосита иштирок этадиган техник воситалардан унуми фойдаланиш ҳам такомиллашиб бормоқда. Бугунги кунга келиб ёшлар билиmini аниқлаб бериш тўлалиқ «ақли» машиналар зиммасига юклатилган, жумладан саволлар вариететларини танлаш, абитуриент билан савол-жавоб ўтказиш, жавоблар варақсини ўқиш кабиларни компьютер бажаради.

Эндиликда биз бундай машиналар вазифасини янада оширдик: компьютерга аудиторияга кирадиган болалар рўйхати, уларнинг аудиторияда ўтирадиган уйи рақами, мактабни битирганлик ҳақидаги шаходатномаси рақами, шу билан бирга бугунги кунда олий ўқув юртиларида ўқитган талабалар

рида тест синовлари жараёнини қузатиш инсон зиммасида қолмоқда. Шунинг учун тест синовлари ўтадиган ҳар бир аудиторияга шартли равишда Аудитория раҳбари ва Кузатувчи деган махсус одамлар тайинланадиган бўлди.

— Аудитория раҳбари ва Кузатувчининг вазифалари нималардан иборат бўлади?

— Аудитория раҳбари ўзига бириктирилган аудиторияга келиб, қартидан

диловчи ҳужжатларини текшириш билан аудиторияга киртади.

Тест синовлари қандай ўтатиладигани Аудитория раҳбари ва Кузатувчи назорат қилиб турилади. Агарда синов жараёнида абитуриент томонидан ортиқча хатти-ҳаракат содир этилса, айтайлик, ўзаро галлашиш, саволларга жавоб топилмади, яшарини манбалардан фойдаланиш холлари юз берса, ўша абитуриент фаолиятини тўхтатилади ва у бошқа икки абитуриент

## БИЛИМЛАР ХОЛИС БАҲОЛАНАДИ

жойлашган тест материалларини қабул қилиб олади. Сўнгра аудиториядаги абитуриентлардан икки кишини тақлиф қилиб, Кузатувчи иштирокида қўти муҳриланган қўти текширилади. Қўти очилиб, ундаги саволлар китоби ва жавоблар варақаси саналади, сўнг абитуриентларга тарқатилади. Кузатувчи эса тест синовлари бошлангичидан аввал ўзига бириктирилган аудиторияга келиб, ҳар бир жойини кўздан кечириб чиқади. Кейин гуруҳ рўйхати бўйича абитуриентларнинг руҳсатнома, титул варақаси ва шахси тас-

риент гувоҳлигида тестдан четлаштириш тўғрисидаги махсус далолатномани тўлдирди. Тест тугагач Аудитория раҳбари, Кузатувчи ва энг кейин қўлган икки абитуриент саволлар китоби ва жавоблар варақасини санаб қўтига солишди, муҳрлаб имзо қўйишди ва Давлат тест марказининг вакилига топширишди.

— Аудитория раҳбари ва Кузатувчи қимлар томонидан тайинланадими?

— Аудитория раҳбари ва Кузатувчи ўша олий ўқув юрти жойлашган шаҳар ёки туман ҳокимлиги томонидан тайин-

## БУГУНГИ КҮН НАФАСИ

### МАМПАКАТИМИЗДА

- Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.
- Бош вазир Уткир Султонов раислигида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган республика халқ ҳўжалигида ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириш бўйича ҳўкумат комиссиясининг мажлисида тармоқлар ва худудларда корхона-ташкilotларнинг дебитор ва кредиторлик қарзлари сабаблари таҳлил этилди.
- Германиянинг «Орол болалари учун сув» хайрия ташкilotи тўплаб жўнатган тиббиёт асбоб-ускуналаридан иборат 210 минг маркалик 20 тоннадан иборат инсонпарварлик ёрдами Қорақалпоғистоннинг Нукус, Мўйноқ ва Тахтакўпир шаҳар касалхоналарига топширилди.
- Хитой Ташқи ишлар вазирлигининг бир гуруҳ мутахассислари «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» халқаро конференциясига тайёргарлик доирасида Тошкентда Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Президент ҳўзуридаги стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтига ҳамкасблари билан икки томонлама маслаҳатлар ўтказдилар.

### ЖАҲОНДА

- Қирғизистоннинг Хитой билан чегарадош Ирқиштом туманида бохжона-назорат пости ишга тушиши, юк машиналарининг қадимий Буюк Ипақ йўли бўйлаб Қашқарга қатнови йўлга қўйилиши муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Уткир Султонов, Қирғизистон Республикаси Бош вазир Апас Жумагулов, Хитойнинг Шинжон-Уйғур мухтор тумани маъмурияти раиси Аблет Абдурашид иштирок этдилар. Уткир Султонов Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов номидан бу маросим қатнашчиларини унутилмас воқеа муносабати билан табриклади.
- Бугун Миср Араб Республикаси халқи миллий байрам — 1952 йилги инқилобни тантанали нишонламоқда.
- Бугун БМТнинг Европа бўлими қароргоҳи жойлашган Женева шаҳрида ўшбу халқаро ҳам-жамият воситачилигида Грузия—Абхазия можа-росини ҳал этиш юзасидан музокаралар бош-ланади. Унда АҚШ, Россия, Германия, Фран-ция, Буюк Британия вакиллари ҳам иштирок этиш қўзда тутилган.
- Арманистон Президентини Левон Тер-Пет-росян расмий таъширф билан Киевга келди. У Украина Президентини Леонид Кучма билан асо-сан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, жумладан янги газ ва нефть қувурларини бар-по этишда ҳамкорлик қилиш масалаларини му-ҳокама қилди.
- Кеча Белгия пойтахти Брюсселда Европа Иттифоқи воситачилигида Фаластин раҳбари Ёсир Арафат билан Исроил ташқи ишлар ва-зир Девид Леви ўртасида музокаралар ўтқа-зилди. Томонлар Фаластин—Исроил муносаба-тларини йўлга қўйиш юзасидан ташкил этилган 9 та комиссия ишини яна бошлашга келиши-дилар. Исроил Шарқий Қуддусда яҳудийлар учун ўй-жой қурилишига киришиш режасини эълон қилган шу йил апрель ойидан бошлаб илк бор Фаластин — Исроил ўртасида ана шундай юк-сақ даражада музокаралар бўлиб ўтди.
- Россия газ учун ҳақ тўланмаётганлиги са-бабли Украинага «зангори олов» етказиб бе-ришни 16 фоизга камайтирди. Агар бу қарз яқин кунлар ичидан узилмаса, Украинага газ ет-казиб бериш учун бир баробарга камайтири-лиши тўғрисида оғохлантирилди. Бугун Россия «Газпром»и раҳбари Рэм Вяхирев Киевда Ук-раина Президентини Леонид Кучма билан ўшбу муаммони муҳокама этади.
- Бугун Россия ташқи ишлар вазир Евге-ний Примakov Сеулга келади. У Жанубий Ко-рея раҳбарияти, жумладан Президент билан икки томонлама ҳамкорлик масалалари юзаси-дан фикр айирбoшлашади.
- Бу йил Молдовада мисли қўрилмаган таж-рибага — олий ўқув юртиларига имтиҳонси қа-бул қилишга ҳазм қилинди. Ўрта мактабни тугаллаган йигит-қизлар институт ва универси-тетларга етуқлик шаходатномаларидаги баҳо-ларга қараб қабул қилинмоқда.
- Қозғистонда баъзи ҳўкумат тузилмалари, беш вилоят ва 58 туман йўқотилганлиги нати-жасида бюджетда 3 миллиард тангани тежаш имконияти туғилди. Бу маблағнинг бир қисми давлат муассасаларини шу йил октябрь ойида мамлакатнинг янги пойтахти — Оқмолага кўчи-ришга сарфланадиган бўлди.
- «Мир» орбитал станциясининг ҳозирги эки-пажи носоз ҳолга келган «Спектр» бўлмасини таъмирламайдиган бўлди. Бу иш 5 август куни космосга парвоз қиладиган Анатолий Соловьев ва Павел Виноградовлар томонидан шу ой охирикларидан амалга оширилиши мўлжаллан-япти. Шу сабабли ўшбу экипаж таркибига ав-вал киритилган француз астронавт Леопольд Эйартс улар билан космосга парвоз қилмайдиган бўлди.
- Бугунги кунда аҳолиси 42,7 миллион ки-шини ташкил этадиган Жанубий Корееда 10 миллионга машина бор экан. Уларнинг 7,2 мил-лионини енгил автомобиллар ташкил этади. Ҳў-кумат машиналар сони назоратси янада кў-пайиб кетмаслиги учун оилада иккинчи авто-мобиль сотиб олинса, унга солиқ миқдорини икки баробарга ошириди.

### ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш юзасидан режадаги про-филактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан 1997 йил 23 июлдан 4 августга чўна Юнусовод даҳаси, 11-мавзедига 50, 51, 52, 54, 55, 60-йўлларда яшовчи 21/24-АТС абонентларида алоқа бўлмади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

**Ўзбекистонни, ўзбек халқини биладиган киши борки, ўзбек аёлининг нечоғли одобли эканлигини ҳам билади. Унинг одоби тилларда дoston. Аллоҳ таоло ўз бандаларига ризқ ва хислатлар улашар экан, ўзбек аёлларига беадад хусн, латофат, тароват, ақл билан бирга бир олам одоб, шарм-ҳаё, сабр-қаноат ҳам ато этган. Ўзбек аёли... Унинг ахлоқ-одоби унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётадаги ўрни қандай бўлиши лозим?**

**Шайхонтохур тумани ҳоқими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси Саида Жалилова билан қилган суҳбатимиз ҳам ана шу мавзуда бўлди.**

Одоб

## ОЛАМНИ НУРАФШОН ҚИЛУВЧИ КЎЗГУ

— Ўзбек аёлининг жумлаи жаҳон ахлоқ оламини нурафшон қилиб турадиган одоб кўзгуси бор. Назаримда шу кўзгуга йигирманчи аср губори ўтиргандек туюлади. Бу кўзгунинг дарз кетишига, хира тортишига мажбур этган губор эса кейинги йилларда ҳеч тусиққа учрамай ўтиб кетаётган фарб «маданияти» губоридир.

Кинотеатр экранларида ва ойнаи жаҳон орқали кўрсатилаётган шармиз фильмлар, метро бекатларида ва бошқа гавжум жойларда сотилаётган бепарда китоблар назаримда ҳаёни, ифбатни суриб чиқараётгандай. Бинобарин биздан ҳаё юз ўғирар экан, ўзи билан бирга одоби ҳам судраб кетади. Одоби ушлаб қолсақ, ҳаё ўз-ўзидан кайтади. Ҳаёни тутиб қолсақ, одоб ҳеч қаёққа кетолмайди. Ойлада оналар ўз қизларига ахлоқ-одобнинг ҳар бир бобини: кийиниш, овқатланиш, хизмат кўрсатиш одоби, дастурхон тузаши ва беморга қараш одоби ҳақида ўз вақтида ўргатиб бормоқлари лозим. Яъни оналар ўз қизларини турмушга узатишга ҳозирлар эканлар, бу ишни улар фарзанд ақлини таниши биланок бошлаганлари маъқул. Зеро, келинчак одоби кизларимиз, аёлларимиз учун энг масъулятли жиҳоблардир. Келинчакнинг келгуси ҳаёти, оиланинг тақдирини, турмушининг ачини-чучулигини унинг бу одоби қай даражада эгаллаганига ҳам боғлиқ. Келинчак хизмати ҳам одоб силсиласининг муҳим бўғинларидан биридир.

Маҳалламиздаги бир онахон қизларини чиқаришдан етти-саккиз йил илгарийек унга бўлажак келинликнинг дастури ва кун тартибини тузиб берган эканлар. Тонг сахар ўриндан туриб, ҳовли ва кўчани супуриб-сидириш, сув сепиш, нонушта тайёрлаш ва нонуштада хизматда бўлиш; кўёвнинг ташқи кўринишини кўздан кечириб, тоза дастурмол билан тазминлаб, хизматга кузатиш, уйлари йиғиштириб, тозалаш, кир ювиш, тушлик тайёрлаш, юмушлар қолмаганига ишонч ҳосил қилинган яъни кийиниб, ўзига қараб, турмуш ўртоғини очик чеҳра билан кутиб олиш, кечки томи тайёрлаш, оила аъзолари емакхонага тўпнаётганларидан уларни тайёр дастурхон узара очик чеҳра ва салом билан кутиб олиш, чарчаганлигини билдирмаслик.

Бу дастурламал бир қарашда юракни орқага тортирадир. Лекин унга амал қилаётган келинчаклар ҳам бўлишаётгани йўқ. Бу хизматларнинг чарқоғи қайнона ва қайнонанинг бир оғиз ширин сўзлари, қилган дуолари орқали ювилиб кетади.

Мазкур онахоннинг тузиб берган «кун тартиб»лари, табиийки, уйда ўтирадиган қиз-келиндар учундир. Ҳўш, ишлайдиган келин бунинг уйдасидан чиқа оладими? Кун ўртасидаги юмушларни истисно этганда, уддалай олади. Бироз оғир бўлса-да, начора, оилага хизмат кўрсатиш келинлик одобининг, келинлик зийнатининг узвий бир қисми эканлиги барчага ҳаё.

Шу ўринда ҳозирги замоннинг энг муҳим ижтимоий масалаларидан бирига, яъни аёл кишининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётадаги ўрни масаласига дуч келамиз.Одоб мавзусидан бироз четласак-да, муаммо ҳақида фикримизни изҳор этмасак бўлмайди. Ҳозирги пайтда «аёлининг ўрни уйда», «аёлининг вазифаси фарзанд тарбиялашдир» деган фикрлар бот-бот такрорланмоқда. Бу фикрларда жон бор. Кани энди бунинг учун етарли шароит бўлса? Эрак кишининг тоғри оила ахтиёжларини тўлиқ қоплай олмайдиган ҳозирги иқтисодий шароитда аёллар меҳнатидан воз кеза олмаслигимиз табиийдир.

Мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида аёл меҳнатисиз фаолият кўрсата олмайдиган соҳалар ҳам оз эмаски, бу — ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда аёллар меҳнати, аёллар иштироки зарурат эканлигига далилдир. Сир эмаски, ҳозирги пайтда аёлларимизнинг хорижга ва мамлакатимизнинг турли шаҳарларига бориб савдо қилишлари иқтисодий зарурат доирасидан чиқиб, урфга айланиб қолмоқда. Ачинарли томонларидан бири шуки, савдо иши аёлларимизнинг азалий одоблардан, бир неча йиллар ўқиб, ўзлари орау қилган касбларидан тобора узоклаштириб юбормоқда. Бу муаммолар бошқа ижтимоий масалалар каби ҳал этилиши шубҳасиз. Бунинг учун ўзимиз фидойилик кўрсатишимиз лозим.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ахлоқ-одоб ҳали бизнинг сарҳадларимиздан чиқиб кетганича йўқ. Одоби опа-сингилларимиз кўпчиликини ташкил этади. Хали шундай кунлар келадими, ўзбек зеболарининг навозишу лутфидан йиллар мобайнида бўлиб келаётганидек жаҳон аёллари ҳайрат ва ошуфталик билан ўрнак оладилар.

Суҳбатдош  
Маймура РҶЗИЕВА.

# ТОШКЕНТ АЁЛЛАРИ

«Мен 52 ёшдаман. 35 йил мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим. Катта қизим оиласи билан бахтли яшамокда. Иккинчи қизим эса 1-шаҳар клиник касалхонасида ҳамшира бўлиб ишларди. Шу ерда даволаниб ётган. Й. исми йигит унга севги изҳор қилиб, уйимизга онасини юбораверди. Йигитнинг онаси совчи бўлиб келганда «Биз оиламиз билан қизингизга сира озор етказмаймиз» дея қоп-қоп ваъдалар беришди.

Тўй ҳам ўтди. Маълум муддатдан сўнг қуда томон қизимни ишдан бўшатиб олишди. Бора-бора қизимнинг ҳаёлчан, камгап, сиқилган бўлиб қолаётганини сеза бошладим. Назаримда тобора соғлиғига путур етаётган эди. Ниҳоят қизим бетобликдан касалхонага тушиб қолди. У билан гаплашганимдан сўнг ҳаммаси ойдинлашди. Маълум бўлишича, кўёвнинг девяри ҳар кун ич соат 6-7 лар орасида уйдан чиқиб, дискотекага бораркан ва эрталаб соат 5 ларда уйга кириб келаркан. Қизим бу ҳолни қайнона ва қайнотасига айтган экан, она «Мен ўғлимни худого топширдим», дебди. Отадан эса «Ўғлим ҳали ёш, ўйнаб-қулиб қолсинда, 2-3 фарзандли бўлгунча қуюлиб қолар» деган гапни эшитибди.

Шундай кунларнинг бирида кўёвим кечга яқин уйдан чиқиб кетаётганида қизим эрининг йўлини тўсиб:

«Кеч бўлганда қаёққа борасиз, мени ёлғиз ташлаб кетаверасизми?» дебди. Шунда эр жаҳл билан уни ҳомиладорлигига қарамай бор кучи билан итариб юборибди. Шунинг натижасида қизим касалхонага тушиб қолган экан. Катта қизим қуданикига борса, қайнона унга: «Синглингизни касалхонадан тўғри уйлариңгизга олиб кетаверинглар, мен тўйдим, ўғлимнинг ташвиши ҳам менга етиб ортади» дебди.

Жигарбандимни уйга олиб келишга мажбур бўлдим. Қизимни эри ва қайнонаси билан яраштириб қўйиш учун ўша маҳалла фаоллари уришиб кўришди, аммо қуда томон муросага кўнмади. Ўзини диндор ҳисобловчи оила қизимга қанчадан-қанча тухматлар қилди. Ҳатто қизим касалхонада ётган пайтида унинг уйдан мен сарпода қилган кийимларини ўғирлаб қўйишибди, меҳбелни синдиришибди.

Ҳозир қизим 4 ойдан бери уйимда. Қудамга: «Қизим ҳомиладор, яқинда кўзи ёрийди, тугилажак болани отасиз қолдирмайлик», десам, сунъий равишда ҳижоба кирган она: «Ҳеч нима қилмайди. Аллоҳ ўзи ризқини беради, мен ҳам етим ўсганман», деб жавоб берди. Ўзини тақводор ҳисоблаб, ҳижобга кирган бу она аёл шайхига доғ туширмаймишкан?

Н. А. Шайхонтохур тумани».

**Ушбу мактубни эълон қилишимиздан мақсад бугунги кунда билиб-билмай ҳижобга қираётган, ўзини тақводор ҳисоблаб юрган айрим аёлларга ҳижобнинг асл моҳиятини англатишдир. Шу мавзуда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари кўмитаси қошидаги Халқаро ислом тадқиқоти марказининг мудири Абдугани Абдуллоҳ қуйидаги фикрларни баён этдилар:**

Шарҳ

## ҲИЖОБ НИМАНИНГ АПОМАТИ?

Ислом дини нозил бўлгунча қадар Мадинада аёллар кўкрак ва елкалари очик ҳолда юрар эдилар. Қуръони Каримнинг Нур сураси 31-оятда аёллар кўкракларини ва елкаларини рўмоннинг бир қисми билан беркитишлари ҳақида буйруқ нозил бўлган, унга ҳам амал қилина бошланди. Бунга ҳам энди ҳижоб деб атадилар.

Ислом дини энг инсоний ва танпарвар диндир. Шунинг учун у аёлларни ҳам ҳалол меҳнат қилишга чорлайди. Бунга шароит ҳам яратиб берган. Ҳалол меҳнат билан ризқ-рўз топишни савоб амаллардан деб ҳисоблайди. Агар аёл бола-чақа боқиш учун меҳнат қилса, бу амалнинг савоби янада юксакроқдир. Ҳатто Қуръоннинг Аҳқоф сурасида 17-оятда одамлар ҳалол меҳнат қилсалар Аллоҳ уларнинг ризқ-рўзини албатта етказиши ҳақида гап кетади.

Муҳаддисларнинг келтиришлари-ча Абдулла бин Маъсуд исми машҳур саҳоба тузалмас дардга йўлиққан сабаб меҳнат қила олмас, шу сабабли кўп йиллар экан. Шунда унинг хотини пайғамбаримиз ҳузурларига келиб: «Эрим ўрнига мен меҳнат қилиб оиламини боқсам бўладими», деб сўраганида у киши «Бўлади» деб жавоб берган эканлар. Бундан ташқари Расулуллоҳ ўз

ҳадисларидан бирида: «Шундай гуноҳлар бўладики, уларни фақат ҳалол меҳнат ювади» дея марҳамат қилганлар. Яна бир ҳадисда у муборак зот: «Жаннатга аввал мен кираман, агар шу пайт олдимга аёл киши келиб «Мен уч болани ҳалол меҳнат билан боққанман» деса, унга ўзимдан аввал беҳишта киришга рухсат бераман» деганлар.

Меҳнат қилиш аёллар учун ва улар учун ўзларини маданий такомиллаштириш таққиланмаган экан, демак, бунинг учун илм олиш, замонавий фанларни ўрганиш, касб-ҳунар эгаллаш ҳам ман қилинмаган. Аммо бу амалларга ҳижоб ҳалал бормаслиги керак. Шунга ҳам таъкидлаш жоизки, ҳижоб турли даврларда турли мамлакатларда турлича ўралган. Масалан, ҳозирда ҳам Афғонистон билан Эронда аёллар ҳижоби бир-биридан фарқ қилади. Демак ҳар бир халқ бу борада ўз шарт-шароити, иқлимидан келиб чиқади. Бу гаплар яқинда Мисрда чоп қилинган «Ислом фатволари» деган катта китобда айтилган.

Мустақиллик туфайли халқимизга Ислом дини қайтиб келди. Айрим қиз-жувонларимиз ҳижоб ўрай бошладилар. Маълумки, дийримизда шариатнинг Имоми Аъзам мазҳабига амал қилиб келинган. Бу мазҳаб қондаларига кўра ҳижоб ўраганда аёлининг ўзи, қўлининг биллақдан паст қисми, оёқнинг ҳам тўпикдан паст қисми очик қолишига рухсат берилган. Қолган аъзолар беркитилиши керак. Шунингдек, Моликий, Шофий мазҳабларида ҳам шундай. Барчамизни Аллоҳ ҳидоят йўлига бошласин.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ  
ёзиб олди.

Ҳар даврнинг ўз либослари бўлади. Кийиниш зармонга қараб ўзгара боради. Бизнинг кунларда эса кийинишнинг бир неча ҳолатларини кузатамиз. Баъзи бировлар кимматбах ва асл либослар кийиб, ўта башанг эканини кўз-кўтишади. Бошқа бировлар одим, қулай ва энгил кийимларни ўзларига маъқул кўришяпти. Учинчи тоифадагилар диндор, тақводор кишилар бўлиб, уларнинг кийимлари ҳижоб кўринишидир.

«Энг гўзал либос — тақво либоси» дейилади қадимий китобларда. Яъни иймон-этиқод, тақво асосан кўнгилда бўлмоғи кераклиги уқтирилади. Покдомон ва ҳақиқат аёллар

лан учрашгандик. Ушанда меҳмонларга биз ҳам ҳижоб ҳақида саволлар бергани

Нуктаи назар

## ЭНГ ГЎЗАЛ ЛИБОС

муслималик шартларини ҳижобсиз ҳам бажараваришлари мумкинку ахир. Ҳижоб уларнинг диндор эканини кўча-кўйдагиларга ошкор этибгина қолмай, балки аёлларни одамлардан ажратиб ҳам туради. Анча йиллар муқаддам Саудия Арабистонидан юртимизга келган аёллар би-

нинг ўзига хос муҳим қоидалари бор. Яъни бу либосларни эғнига олган аёлининг қалби мусавфо бўлиши керак. У бировни ғийбат қилмаслиги, устидан кулмаслиги, ҳатто ўзгалар ҳақида ёмон хаёлга бормаслиги ҳам зарур» Демакки, аёл, ўз латофати, назокатидан ташқари, муъмина ва муслималигини аввало кўнгил либосида намоён этиши лозим экан. Энг гўзал либос, яъни қалб либоси ҳар қандай либосдан устунроқ туради менимча.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.



Тандир тўла ёпилди нон...

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Биз ва жаҳон

## ҲАР ЕРНИНГ ТОШУ ТАРОЗУСИ

**Аёлларимиз орасида тadbиркорлик билан шугулланаётганлар тобора кўпаяётган ҳозирги кунда уларга баъзан хорижий мамлакатларга боришга ҳам тўғри келиб қолади. Аммо шундай пайтда ўша мамлакатнинг урф-одатларидан оз бўлса-да хабардор бўлиш ишни энгиллаштирибгина қолмай муваффақият гарови эканлигини ҳам унутмаслик лозим.**

НЬЮ-ЙОРК

Агар сиз одамови бўлсангиз, Нью-Йорк сизга зерикарли туюлиши мумкин. Аммо бу ерда «Ишларингиз қалай» деган саволга доимо «Аёло» дея жавоб қайтариш одат. Шаҳар фалати одатларга тўла. Ёзининг жазирамасида ҳам аёллар тор, баданига ёпишиб турадиган кийимларда юришади. Америкаликлар овқатланишни анча хуш кўришади. Айнаи шунинг учун тadbиркорлик мулоқотларини ланч номли овқат устида олиб боришади. Қизини шундаки, бундай келишувлар учун махсус кечки овқат ҳам бор. Агар тadbиркор шерингиз сизни кечки овқатга таклиф этса, албатта розилик бериңг. Бундай пайтларда рад этиш ҳақорат билан тенг.

ГОНКОНГ

Сервикорлик бу ерда ҳар жойда мавжуд. Шунинг учун тadbиркор шерингиз сиздан «катталиқ»ни кутади. Сиз ҳам шунга кўра обрўлироқ меҳмонхонага жойлашинг, кийиминг кимматроғини кийинг. Гонконгликлар хуროфатга берилган халқ; ёвуз инс-жинслардан кўриқшади. Шунга кўра оқ рангдаги кийим кийманг, улар учун бу ўлим рангидир. Агар сизни меҳмонга таклиф этишса совға сифатида цитрус дархатининг новдаси ёки саватчада апельсин (бахт рамзи) олиб бориңг. Бу сизнинг уларга хайрихоҳлигингизни кўрсатади.

ТОКИО

Бу ернинг асосий шиори — «Доимо табассум қилиңг!» Агар ишбилармонлик борасидаги учрашувингиз табассумсиз ўтса, у кўнглисиз таассурот қолдиради. Шериклар билан орадаги масофани сақлаган маъқул, японлар жисмоний яқинликни ёқтиришмайди. Саломлашиш учун визит карточкаларини билан алмашиш фойда. Шериклар билан учрашувга пошнасиз пойабзал кийиб бориш тавсия этилади, чунки дарозлик японларга хос хислат эмас. Шунингдек япон рестороанларига киришда оёқ кийимини ечиш ва чордона куриб ўтириш лозимлигини унутманг. Табиийки, бундай ҳолатда калта лобкада ва узун энгил пайпоқсиз бўлиш ахлоқсизлик ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам хушмуомала бўлиш муваффақиятингиз гаровидир.

СТОКГОЛЬМ

Швеция пойтахтида ишбилармон аёллар тез-тез учраб туради, мамлакат аҳолиси жуда америкалашган, шунинг учун улар АҚШдан келган ҳар қандай нарсани, айниқса «Кальвин клайн» ёки «Донна Каран» кийимларини ёқтиришади. Ишбилармон шерингизни кечки овқатга таклиф этганда албатта спиртли ичимлик билан сийланг, зеро бундай ичимлик Швецияда киммат ҳисобланади, мулоқот жараёнида суҳбатдошингизнинг исми шарифини айтиб гапиринг. У билан шведлар фахрланадиган нарсалар, масалан, «АББА» эстрада гуруҳи, «Сааб», «Вольво» машиналари хусусида кўпроқ сўз юритинг.

РИМ

Италияда ишбилармонлик албатта ҳузур-ҳаловат келтиради, дея ҳисоблашади. Шунинг учун шериклар билан учрашув тушлик дастурхон атрофида ўтади. Биргина қаҳва италияликларнинг тўрт соатлик суҳбатига етади. Сафарингиз мақсади ҳақида гапирмай туришга ҳаракат қилиңг, аввалига шерингиз ишлари билан қизиқинг, мода ҳақида гаплашинг. Аммо сиебат ва Рим Папаси тўғрисида оғиз ҳам очманг. Айтилган жойларга сира кечикманг, учрашувлар узоқ вақт чўзилиб кетиши ҳам мумкин.

ПАРИЖ

Франция пойтахтида хушомадгўй эраклар сизни кимматбах рестороанларга таклиф этишади. Шунда бу ерда сизга нима ёқганини таъкидлашингиз шарт. Шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши кўзга ташланадиган кийимингиз доимо тахт турсин. Агар сизни кечаларга, ўтиришларга таклиф этишса, айнаи айтилган вақтга бориш шарт эмас. Францияда таклиф этган одам таклиф этилган одамни ҳеч бир ҳафтарчиликсиз 30 дақиқага-ча қутиб туриши одатга айланган. Эсдан чиқарманки, французалар ўз мамлакати билан фахрланишади ва сиздан ўз тилларида гаплашшингизни куттишади.

ПОНДОН

Англияликлар ҳазил ва латифаларни ёқтиришмайди, шунинг учун улар билан об-ҳаво ёки футбол ҳақида гаплашган маъқул. Иккинчи жаҳон уруши ҳақида гап очишни ҳаёлиңгизга ҳам келтирманг. Яқиниси Англияда қиролча ҳукмронлик қилаётганидан мамнун эканлигингизни билдириб қўйинг.

## РАСУЛУЛЛОҲ ДЕЙДИПАРКИ...

- Илм оломқ ҳар бир муслим ва муслимага учун фарздор.
- Ҳалол меҳнатдан сўнг чарчаб ухлаб ётганда одамнинг гуноҳлари тўкилади.
- Исломда таркидунёчилик йўқ.
- Умматларимнинг яхшиси бу дунё деб у дунёдан, ў дунё деб бу дунёдан кечмайдиганларидир.
- Оддий кийим кийиш ҳам иймондандир.
- Банда нопок ишлардан ўзини тиймасе, ўқиган намози, тутган рўзаси, берган закотидан унга ҳеч қандай наф йўқдир.
- Умматларим ҳеч қачон залолатга бирлашмайдилар. Қачонки одамлар ўртасида ихтилоф сезсаларинг, кўпчилик томонга ўтиб олинглар.
- Тангри сизларнинг ташқи кўринишларингиз ёки молу дунёларингизга эмас, балки дилларингизга ва ишларингизга қараб баҳо беради.
- Кибр юзасидан иштонни узайтириб кийишликдан сақланг. Тангри кибри ёмон кўради.

Гўзал ОТАЖОНОВА тўплаган.



Ўзбек қизининг хусну таровати аввало унинг самимий табассумида, иболи боқишларида, ўзига ярашган либосида, нозик ҳаракатларида. Айниқса кўзгуга боқиб, ўзига оро бериш оилари уни янада гўзаллаштиради.

## ОРАСТАЛИК СИРПАРИ

- Нон сақланадиган идиш деворларини сирка билан артиб турсангиз ундан нохуш ҳид келмайди.
- Нон сақланадиган полиетилен халтача бир неча жойидан тешиб қўйилса, ундаги нон анча вақт юмшоқ туради.
- Утмаслашиб қолган личок тигини ярим соатларча сал шўрроқ сувда ушлаб турсангиз, ўткир бўлади.
- Шўр сувга ҳўлланган чўтка билан похол буюмингизни тозаласангиз, у янада чиройли тусга киради.
- Кеч пайти майда тузини гилам устига сеппиб эртаси кунни уни тоза юмшоқ латта билан артиб ташласангиз ранги очилади.
- Рангли газламаларни бир неча дақиқа тузли сувга ивишиб қўйсангиз туси айниб кетмайди.
- Таги куйган сирли идишни шўр сув билан бир неча қолдириңг. Эртасига ўша идишни бир қайнатиб ташласангиз, у тез ва осон тозаланади.
- Тукли сочқак ва халатлар момиқдай юмшоқ бўлишини хоҳласангиз уларни ювганидан гиздан сўнг бироз тузли сувда ушлаб туриңг, лекин дазимол урманг.

Насиба НАЗАРОВА тайёрлади.

Ўзбек адабиёти — «Оқшом» учун

Омон МУХТОР

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби



(Романдан парча)

(Охири: Бошбаш газетанинг ўтган сониди).

Сукрот кимбағал оилада (Софроник исми оддий тош йўнучи хонадониди) дунёга келган эди. У (оз-моз мактаб кўргани-ю фуқаролик бурчини бажариб, уч марта ҳарбий юришларда қатнашганини айтмаганда) чуқур билим эгалламаган, тирикчиликни ўтказиш учун аниқ бир касби-кор ҳам ўрганмаган эди. Унинг бунга имкони бўлмаган эди!

Сукротнинг афти-ангориди ҳам, юриш-туриши ҳам салобат-улуғворликдан нишон йўқ эди. У — тепакал, галча, пешонаси дўнг, бурни катта, лаблари дўрдок, кўзлари кесак терган — анчайин бадбашара ва бесўнақай киши эди. (Шу боисдан, Сукрот: «Гўзаллик — ҳукмронлиги тез ўтиб кетадиган қироличадир!» — деган бўлса керак.) У кўча-майдонда, бозорларда қишин-ёзин ялангоёқ, кифтига ташлаб олган матога ўраниб, турки-тароватидан қулларни эслатадиган алфозда юрар эди.

(«Кийинида олифталikka бормай, нафис юришга ҳаракат қилинг. Камтарлик — кўрк, исрофгарчилик эса ўзига бино қўйиш белгисидир!»)

Афлотун аксинча (зодагон Аристоннинг ўғли) тўқ-тўкин оилада туғилиб ўсган эди. (Унинг аждодларидан бир томири шох Кодрга, иккинчи томири машҳур қонунчи Солонга бориб тақалар эди.) Ёши йигирмага қийнашганда, у ўз давридаги ҳар жиҳатдан баркамол инсонга айланган эди. От чоптириш, беллашувда тенгдошлардан ҳеч ким унга бас келолмасди. Кураш мусобақаларида биринчи ўринни эгаллаган эди. Хушқомат, кўкси қалқон, елкалари кенг эди (унинг асл исми Аристокт бўлиб, кейинчалик кенглик — платос деган маънода Платон, Афлотун номини олган эди. (У — шoir эпик, лирик, драматик, мусиқчи ва мусаввир эди. Фалсафа уни ҳаммадан кўп қизиқтирарди. Гераклит ва Пифагор, Парменид ва Демокрит таълимотларини билар эди.

Афлотун шогирд тутганида, Сукротнинг ёши олтишдан ошган эди. У бир пайтлар Аспазия деган қизни яхши кўрган, лекин бу қизнинг муҳаббатига эришолмаган эди. Мирло деган қизга уйлانган; бир гал сафардан (ҳайто сафарларда юридиган пайти эди) қайтганида, хотини сувга фарқ бўлган устидан чиққан эди. Кейинги хотини (Ксантиппага кечроқ уйлانган) ундан ёши кичик; бу аёлдан туғилган икки ўғли ҳам нисбатан ёш эди. Сукрот қашшоқ яшаган ва ҳамон қашшоқ кўчи кечирмоқда эди. Унинг асосий машғулотни кўча-кўйда одамларга савоёл бериб, жавоб олиш (ёки уларнинг саволларига жавоб бериш), одамлар билан суҳбатлашишдан иборат эди. («Ўзини доно деб билган айрим кимсаларнинг жоҳил ва нодон эканлигини фoш этганим учун — одамлар мен билан мусохабани соғинадилар!» Одамлар орасида гарчи «донолар-доноси», энг билимдон киши» деб ном олган бўлса-да, у ўзини фавқуллодда билим эгаси, деб билмас, мен барча нарсдан хабардорман, деб даъво ҳам қилмас эди! Аксинча, ҳатто: «Менинг донишмандлигим менда ҳеч қандай доноликнинг йўқлигидир!» — дер эди.

(Лекин Сукротнинг суҳбатиди бўлганлар кўпинча: «У мени сеҳрлаб, шундай кўйга солдики, минбаъд то ҳозир яшаганимдек аҳволда яшай олмастимки ҳис этдим!» — дейишар эди.) Унинг учун суҳбат (бахс)нинг ўзи муҳим-эди! («Худонинг ўзи мени шу ҳолатимда яратиб, қуни бўйи, тинмай, ҳар жойда сизлардан ҳар бирингизни гафлатдан уйғотиш, дунёдан воқиф этиш, терғаш ва покликка чорлаш учун — бу шаҳарга юборган!») Сукрот — ундан-да олдинроқ ўтган Шарқ файласуфи Конфуций (ёки номи эскидан келган ўзимизнинг Хўжа Насриддинни эслайсизми!) сингари — ОЛАМ ва ОДАМ ҳақида ўйламай ЯШОЛМАЙДИГАН халқнинг содда бир вақили эди! У одамларга баъзан тағдор саволлар ташлаб, киноя, кулги билан сўзлаб, уларни саросимага солса ҳамки, асосан, мулоийм, хушфелъ, даревешифат, ҳар бир сўзи самимий, кўнгли очик, камтарин инсон эди! Сукрот (яна Конфуций сингари) бирон асар (киتاب) ёзмаган эди. У, инсон хотираси ҳар қандай ёзувдан кам эмас, деб туюшар эди.

Бутун Юнонистонда ҳаёт таълимоти бўйича мактаби, файласуфлигидан кўпроқ ҒАРОЙИБ ИНСОН эканлиги билан шухрат қозонган Сукрот ёш Афлотуннинг ҳаётига сел бўлиб кирган, унинг осмонда юлдуз бўлиб порлаган эди! Ҳаётга (дарёлар сувуллашидан қушлар сайроғичага) қаттиқ меҳр кўйган ва ҳаётдан доим баҳрамандлик туйган, жисман ва руҳан кучли, ўз қиладиган ишини аниқ билган—режалли («Ишни яхши бошласанг, ярмини бажардим, девер!»); «Арзимаган ва бефойда нарсаларга керагидан ортқ вақт сарфлаш нодонлик!», келишган—кибор Афлотун, ўзига ҳеч жиҳатдан ўхшамаган Сукротга мангу банди—асир бўлиб қолган эди! Сукротни учратиб, Афлотунга шу пайтгача ҳаёти, бор илми, машғулотни йўққа чиққандек туюлган эди... Сукрот ҳам шогирдлари ичиди Афлотун алоҳида ўрин тутганини сезган эди. Афлотунни учратишдан олдин у туш кўрган; тушида гўзал бир оққуш унинг кўксига келиб қўнган, сўнг аниқ нафма билан юксак фазоларга парвоз этган эди. Ва Афлотун рўпара келганида, Сукрот: «Мана, менинг оққушим!» — деб нидо қилган эди...

Сукротнинг паймонаси тўлганида, Афлотуннинг унга шогирд тутинганига тахминан саккиз йилча бўлган эди.

Бошқа шогирдлар қатори Афлотун ҳам оғир кунда пири-устозига ёрдам қилини чўзишга уринди. Бирок...

Афлотун суд жараёнида қатнашиб, Сукротни ҳимоя қиладиган нутқлар сўзлагани йўқ! Айниқса...

